

МАЪМУРИЙ СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШ ТУШУНЧАСИ, МАЗМУНИ ВА ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ

Раҳимова Гулсун Йўлдошевна,

Тошкент давлат юридик университети мустақил изланувчиси

E-mail: gulsunrahimova9@gmail.com

Аннотация (ўзбек тилида):

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида маъмурий судларнинг шаклланиш тарихи, уларнинг вужудга келишига олиб келган ҳуқуқий ва ижтимоий омиллар ҳамда маъмурий судловнинг замонавий ҳуқуқий давлат қуришидаги аҳамияти таҳлил қилинган. Шунингдек, Европа давлатлари, Россия Федерацияси ва Қозоғистон тажрибаси асосида маъмурий судларнинг ривожланиш босқичлари ёритилган.

Мақолада Ўзбекистонда маъмурий судларни ташкил этишининг ҳуқуқий асослари, жумладан, 2017 йилги суд-ҳуқуқ ислоҳотлари, Маъмурий суд иш юритуви кодексининг қабул қилиниши ва маъмурий судларнинг вазифалари атрофлича кўриб чиқилган. Шу билан бирга, маъмурий ҳужжат тушунчаси, унинг ҳуқуқий табиати ҳамда маъмурий судлар амалиётида учраётган айрим муаммолар таҳлил қилинган.

Аннотация (на русском языке):

В данной статье анализируются история становления административных судов в Республике Узбекистан, правовые и социальные факторы, обусловившие их создание, а также значение административного судопроизводства в построении современного правового государства. Кроме того, рассматриваются этапы развития административных судов на основе опыта европейских государств, Российской Федерации и Казахстана.

В статье подробно исследуются правовые основы создания административных судов в Узбекистане, в частности судебно-правовые реформы 2017 года, принятие Кодекса об административном судопроизводстве и основные задачи административных судов. Также анализируются понятие административного акта, его правовая природа и отдельные проблемы, возникающие в судебной практике административных судов.

Annotation (in English):

This article analyzes the history of the formation of administrative courts in the Republic of Uzbekistan, the legal and social factors that led to their establishment, and the significance of administrative proceedings in building a modern rule-of-law state.

In addition, the stages of development of administrative courts are examined based on the experience of European countries, the Russian Federation, and Kazakhstan.

The article also examines the legal foundations for the establishment of administrative courts in Uzbekistan, including the judicial reforms of 2017, the adoption of the Code of Administrative Procedure, and the main functions of administrative courts. Furthermore, the concept of an administrative act, its legal nature, and certain problems arising in the practice of administrative courts are analyzed.

Калим сўзлар: маъмурий суд, маъмурий судлов, маъмурий хужжат, маъмурий ҳуқуқ, оммавий-ҳуқуқий низо, маъмурий процедура, суд-ҳуқуқ ислоҳоти, маъмурий акт.

Ключевые слова: административный суд, административное судопроизводство, административный акт, административное право, публично-правовой спор, административная процедура, судебно-правовая реформа, административная юстиция.

Keywords: administrative court, administrative proceedings, administrative act, administrative law, public law dispute, administrative procedure, judicial reform, administrative justice.

Маъмурий суд иш юритувви давлат ва фуқаро ўртасидаги оммавий-ҳуқуқий муносабатларда қонунийликни таъминлашга қаратилган алоҳида суд ҳимояси институти ҳисобланади. Замонавий ҳуқуқий давлат концепциясида фуқароларнинг давлат органлари қарорлари устидан самарали суд назорати мавжуд бўлиши муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасида маъмурий судлар тизимининг шаклланиши ҳам айнан шу эҳтиёжлар билан боғлиқ бўлиб, уларнинг пайдо бўлиши ҳуқуқий ислоҳотларнинг муҳим натижаси ҳисобланади.

Замонавий маъмурий ҳуқуқ, содда қилиб айтганда, давлат органлари томонидан зўравонлик (административ зўравонлик)дан фуқаролар ва тадбиркорларни ҳимоя қилувчи қоидалар тизимидир. Биз бундай зўравонликка қаерда дуч келмайлик — давлат хизматларини олишда, қурилиш масалаларида, ердан фойдаланишда, солиқлар ёки пенсия таъминоти масалаларида — айнан маъмурий ҳуқуқ бизнинг ҳуқуқ ва манфаатларимизни ҳимоя қилишни кафолатлаши керак. Ривожланган ҳуқуқий давлатларнинг барчасида шундай тизим мавжуд: у ерда маъмурий ҳуқуқ давлат ва инсон ўртасида кундалик муносабатларда мувозанатни таъминлайди¹.

Маъмурий судларнинг тарихи ва халқаро тажриба

¹ И.Хамедов. “Маъмурий ҳуқуқ ислоҳотининг 20 йили: муаммолар ва истиқболлар” мақола. 11.10.2025 йил

Маъмурий судлов тизими биринчи бўлиб Европа давлатларида шаклланган. Хусусан, Францияда Conseil d'État (France) давлат органлари қарорларини назорат қилишнинг энг юқори институти сифатида вужудга келган.

Германия, Италия ва Испания каби давлатларда ҳам маъмурий судлар алоҳида суд тизими сифатида ривожланган. Бу давлатларда маъмурий судлар фақат низоларни ҳал қилиш билан чекланиб қолмасдан, давлат бошқаруви фаолияти устидан ҳуқуқий назоратни амалга оширади.

Россия Федерациясида ҳам маъмурий одил судлов институтлари ривожланиб, кейинчалик алоҳида процессуал тартиблар шаклланди. Қозоғистонда эса мустақил маъмурий процессуал кодекс қабул қилиниб, маъмурий судлар фаолияти институционаллаштирилди.

Бизнинг мамлакатимизда нега ислоҳот зарур бўлди? Масала шундаки, постсовет маъмурий ҳуқуқ модели биринчи навбатда давлат томонидан ўрнатилган оммавий тартибни ҳимоя қилишга қаратилган эди, фуқароларни ҳимоя қилишга эмас. Унинг асосий воситаси ҳар доим маъмурий жавобгарлик — қонунбузарлик учун жазо бўлиб келган. Замонавий маъмурий ҳуқуқ эса Европа ҳуқуқий давлатларида 150 йилдан ортиқ вақт давомида ривожланган бўлиб, аксинча, биринчи навбатда фуқароларни маъмурий органлар зўравонлигидан ҳимоя қилишга қаратилган. Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиши ва фуқаролик жамиятини шакллантириши маъмурий ҳуқуқни қайта қуришни табиий равишда талаб қилди.

Эндиликда унинг “ташриф қоғози” маъмурий процедуралар бўлиб қолди — давлат органлари қарор қабул қилишда амал қилиши шарт бўлган аниқ қоидалар. Иккинчи муҳим элемент эса маъмурий одил судлов бўлиб, унинг марказида маъмурий судлар туради^{2 3}.

Маъмурий судларни алоҳида институт сифатида ажратишга қуйидаги асосий омиллар туртки бўлди:

давлат органлари қарорларининг кўпайиши ва мураккаблашуви;

фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг самарасизлиги;

фуқаролик ва хўжалик судларида оммавий-ҳуқуқий низоларни кўриб чиқишнинг чекланганлиги;

давлат ва фуқаро ўртасида тенг ҳуқуқий мувозанатни таъминлаш зарурати.

Илмий адабиётларда таъкидланишича, маъмурий судловнинг асосий вазифаси — давлат ҳокимиятини чеклаш эмас, балки уни қонун доирасида амал қилишини таъминлашдир.

² И.Хамедов. “Маъмурий ҳуқуқ ислоҳотининг 20 йили: муаммолар ва истиқболлар” мақола. 11.10.2025 йил

³ Т.Рахмонов. “Ўзбекистон Республикасида маъмурий судларнинг роли ва аҳамияти” мақола. April, 2022 https://t.me/ares_uz Multidisciplinary Scientific Journal.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар доирасида суд-ҳуқуқ тизимидаги муҳим ўзгаришлардан бири — маъмурий судлар тизимининг жорий этилиши ва фуқаролар ҳамда давлат органлари ўртасидаги ҳуқуқий муносабатларнинг адолатли ҳал этилишини таъминлашга қаратилган механизмларнинг яратилишидир.

Ўзбекистонда «маъмурий судлов» тушунчаси илк бор 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда «туман (шаҳар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьяси» тушунчаси орқали мустаҳкамланган. Бироқ амалиётда қарийб 23 йил давомида бундай судьялар фаолият юритмаган. Қонун ҳужжатларида эса маъмурий судлов асосан маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишларни кўриб чиқиш билан чекланган бўлиб, ушбу тоифадаги ишлар жиноят, фуқаролик ҳамда хўжалик судлари томонидан кўриб чиқилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони нафақат суд-ҳуқуқ тизими, балки маъмурий ҳуқуқнинг ҳам янги ривожланиш босқичига асос солди.

Хусусан, қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида суд ҳокимиятининг ҳақиқий мустақиллигини мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш ҳамда маъмурий қонунчиликни такомиллаштириш белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур фармонига мувофиқ, 2017 йил 1 июндан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида маъмурий судлар, шунингдек туман (шаҳар) маъмурий судларини ташкил этиш, шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибида маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатини ташкил этиш таклиф этилди. Ушбу судлар оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий низоларни, шунингдек маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга этиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.02.2017 йилдаги ПФ-4966-сонли “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан 2017 йил 1 июндан оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган маъмурий низоларни, шунингдек маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишга ваколатли бўлган Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маъмурий судларини, туман (шаҳар) маъмурий судларини ташкил этиш ҳақидаги

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди ва Мудофаа вазирлигининг таклифлари маъқулланди. Шу муносабат билан маъмурий органлар томонидан жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматларининг кўрсатилиши муносабати билан улар ўртасида вужудга келадиган оммавий-ҳуқуқий низоларни ҳал қилишга қаратилган янги ихтисослашган судлар – маъмурий судлар тузилди⁴.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 134-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди фуқаролик, жиноий, иқтисодий ҳамда маъмурий суд ишларини юритиш бўйича суд ҳокимиятининг олий органи ҳисобланади. Мазкур конституциявий нормага кўра, маъмурий судлар ягона суд тизимининг таркибий қисми сифатида фаолият олиб боради ва уларнинг фаолияти устидан олий судлов назорати Олий суд томонидан амалга оширилади⁵.

Юқоридагилардан кўринадики, Ўзбекистонда маъмурий судлар тизими 2017 йилдан бошлаб янги босқичга ўтди. Президент фармонлари асосида маъмурий судлар ташкил этилди ва улар алоҳида суд инстанцияси сифатида фаолият бошлади.

Маъмурий судларни ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилиниши муносабати билан улар фаолиятини тартибга солувчи ягона кодификация қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш масаласи долзарб аҳамият касб этди.

2018 йил 1 апрелдан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд иш юритуви кодекси кучга кирди ва у маъмурий суд ишларини юритиш тартибини белгилаб берди.

Бунгача оммавий-ҳуқуқий низолар асосан фуқаролик ва хўжалик судлари томонидан кўриб чиқилган. Бироқ амалиётда бу тизим самарасиз экани, судлар юкламаси ошиши ва ихтисослашув етишмаслиги маълум бўлди.

Шу сабабдан маъмурий судларни алоҳида институт сифатида жорий этиш зарурати пайдо бўлди.

Маъмурий судлар асосан давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг қарорлари, ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан келиб чиқадиган низоларни кўриб чиқади.

Бироқ амалиётда баъзи муаммолар ҳам мавжуд:

аризачилар томонидан ҳар қандай ҳужжатни “маъмурий ҳужжат” деб ҳисоблаб мурожаат қилиш ҳолатлари учрайди.

⁴ А.Расулев, О.Тошев. “Қонун усуворлигини таъминлаш борасида суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилган ислоҳотлар.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.

Норматив-ҳуқуқий акт билан индивидуал маъмурий акт ўртасидаги фарқ ҳар доим ҳам тўғри англаб бўлмайди.

Баъзи ҳолларда судга тегишли бўлмаган талаблар ҳам киритилади.

Қонунчиликка кўра, маъмурий суд фақат индивидуал ҳуқуқий таъсирга эга бўлган маъмурий актларни кўриб чиқади.

Маъмурий ҳужжат — бу давлат органи ёки мансабдор шахс томонидан қабул қилинган, муайян шахс ёки ҳолатга нисбатан ҳуқуқий оқибат келтириб чиқарадиган қарор ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Пленум қарорларида маъмурий актнинг қуйидаги белгилари кўрсатилган:

индивидуал характер;

ҳуқуқий оқибат келтириб чиқариши;

давлат ҳокимияти ваколати асосида қабул қилиниши.

Шу билан бирга, амалиётда унинг чегараларини аниқ белгилаш муҳим ҳисобланади.

Маъмурий судлар томонидан қабул қилинган қарорлар мажбурий кучга эга ва уларнинг ижроси таъминланади. Бу эса суд ҳокимиятининг самарадорлигини белгилайди.

Бироқ статистикага кўра, маъмурий судларда рад этилган аризалар сони қаноатлантирилган ишлардан кўпроқ.

Бунинг сабаблари:

ҳуқуқий саводхонликнинг етарли эмаслиги;

асоссиз ариза бериш ҳолатлари;

маъмурий орган қарорларининг аксарият қисми қонуний бўлиши.

Бу ҳолат аризачининг ҳуқуқларига салбий таъсир қилмайди, балки судга мурожаат қилиш ҳуқуқи амалга оширилганини кўрсатади.

Ҳозирги кунда маъмурий суд тизими янада такомиллашмоқда. Келажакда қуйидаги йўналишлар муҳим ҳисобланади:

маъмурий процессуал нормаларни такомиллаштириш;

суд амалиётини бирхиллаштириш;

рақамли суд тизимини жорий этиш;

фуқаролар ҳуқуқий маданиятини ошириш.

Маҳаллий ҳуқуқшунос олимлар таъкидлашича, маъмурий одил судловнинг моҳияти ва асосий мақсади — ваколатли органлар (мансабдор шахслар) томонидан амалга ошириладиган маъмурий-бошқарув функциялари доирасидаги қонунга хилоф маъмурий ҳужжатлар (ҳаракатлар ёки ҳаракатсизлик)дан фуқароларнинг субъектив оммавий ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборатдир. Шунингдек, фуқароларнинг субъектив хусусий ҳуқуқлари, масалан, мулк ҳуқуқи ҳам ҳимоя объекти ҳисобланади.

Асосий мақсаддан ташқари, давлат бошқарувида қонунийликни таъминлаш каби мақсадни ҳам кўрсатиш лозим. Ўзининг оммавий ҳуқуқлари бузилган деб ҳисоблаган шахс судга маъмурий даъво билан мурожаат қилади⁶.

Хулоса

Маъмурий судларнинг ташкил этилиши ҳуқуқий давлат тамойилларини мустаҳкамлаш йўлида муҳим қадам бўлди. Улар фуқаролар ва давлат ўртасидаги муносабатларда қонунийлик ва адолатни таъминловчи асосий институт сифатида намоён бўлмоқда.

Маъмурий суд тизими нафақат низоларни ҳал қилиш, балки давлат бошқаруви устидан ҳуқуқий назоратни амалга ошириш орқали жамиятда ҳуқуқ устуворлигини таъминлашга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 2023 й. Т.: “Yuridik adabiyotlar publish”. 01.05.2023 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекси. 25.01.2018 й. ЎРҚ-462.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

⁶ Хамедов И.А., Хван Л.Б., Цай И.М. *Административное право Республики Узбекистан. Общая часть.* – Ташкент: KONSAUDITINFORM-NASHR, 2012. – 592 с

Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони (Қонунчилик ҳужжатлари миллий базаси, 16.10.2017 й., № 06/17/5204/0114).

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.02.2017 йилдаги ПФ-4966-сонли “Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.

5. И.Хамедов. “Маъмурий ҳуқуқ ислоҳотининг 20 йили: муаммолар ва истиқболлар” мақола. 11.10.2025 йил

6. Т.Рахмонов. “Ўзбекистон Республикасида маъмурий судларнинг роли ва аҳамияти” мақола. April, 2022 https://t.me/ares_uz Multidisciplinary Scientific Journal.

7. А.Расулев, О.Тошев. “Қонун усуворлигини таъминлаш борасида суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилган ислоҳотлар.

8. Хамедов И.А., Хван Л.Б., Цай И.М. “Административное право Республики Узбекистан”. Общая часть. – Ташкент: KONSAUDITINFORM-NASHR, 2012. – 592 с.